



"НАМКОРБАНК" АТБ:

ИЛ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

"Биргаликда юксалиш сари!" шiori остида ривожланиш йўлидан бораётган "Hamkorbank" АТБ бугун тижорат банклари орасида ўз ўрнини мустақамлаб бормоқда. Якунланган йил жамоа учун янада омадли келди.

Банкнинг 2022 йилдаги фаолияти якунлари ва 2023 йилдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда бу алоҳида эътироф этилди.

Кенгайтирилган йиғилишни банк бошқаруви раиси Бахтиёржон Жўраев кириш сўзи билан очиб, дастлаб мамлакатимизда 2022 йилдаги макроиқтисодий ҳолат, инфляция жараёни, молия муассасаларининг ислохотлардаги иштирокига қатнашчилар эътиборини қаратди. Бир қатор хорижий давлатлардаги нотинчликларга қарамай Ўзбекистонда қатор соҳаларда ўсиш кузатилди.

Ўз ўрнида молия тизимида амалга оширилган ишларга тўхталди.

"Hamkorbank" АТБда аввалги йилдагига нисбатан ўсишга эришилди. Охириги 3 йилда банкнинг молия бозоридаги ўрни ошди. Ўтган йили Сергели ва Олмазор банк муассасаларининг очилиши ҳисобига миқозларга хизмат кўрсатиш имконияти янада кенгайди, "Ўзбекистоннинг энг ишончли 10 банки" қаторидан ўрин олди. Тизимдаги ислохотлар ва эришилган ютуқларда жамоанинг ҳар бир аъзосини муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари банкнинг 2022 йилги молиявий кўрсаткичлари ва бизнес режаларининг

бажарилиши, миқозларга хизмат кўрсатиш стандартлари, кредит портфеллари билан ишлашда замонавийлик масалаларига эътибор қаратдилар.

2-бет.



Хар йили республикаимизда яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Бу тадбиркорликнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ортиб бораётганини кўрсатади. Қолаверса, соҳанинг ривожланиши иқтисодиётимизни ўсиши ва халқимиз турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

4-бетда ўқинг.

Ушбу сонда:

5-бет.

**ДУНЁНИ
ЎЗГАРТИРГАН
МОЛИЯЧИЛАР**



6-бет.

**ҚУВНОҚ
ИНТЕРМЕДИЯЛАР ҚИРОЛИ**

7-бет.

**ОТА
УЙИДА**

**ЖАМШИД
ИСКАНДЕРОВ:**

**"БУ ГАПЛАРДАН
ТЎЙИБ КЕТДИМ!"**

8-бет.



● **КУН ҲИКМАТИ:**

Икки оёғингда тик туришинг сенга бу оламдан кичик бир масофани тортиқ қилади. Лекин сенинг ўз асосларингда тура билишинг сенга бутун оламни тортиқ қилади.



"НАМКОРБАНК" АТБ: ЙИЛ

МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муаммоли кредитларни камайтириш, банк тасарруфидаги бизнес марказлар ва офислар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган маърузалар билан ҳам танишилди. Бирлашган касаба уюшма кенгаши томонидан амалга

оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берилди.

2023 йилда олдинда турган устувор вазифалар ҳақида сўз борганда замонавийлик, тезкорлик ва сифат бошомилга айланишлиги таъкидланди. Жойлардаги филиалларни 2022 йил охирида минтақавий банк хизматлари офиси ва

универсал банк хизматлари офисларига айлантирилиши масъулиятни янада оширди. Эндиликда улардан самарали натижадорлик талаб этилади.

Жамоанинг ютуғи кўп жиҳатдан бошқарувчига боғлиқ. Шу сабаб замонавий раҳбар, лидерлик қобилияти масаласи атроф-

лича тушунтирилди. Бу борада жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб иш ташкил этилади.

Йиғилишда сўз олган банк Кенгаши раиси Икромжон Ибрагимов кўрилган масалалар юзасидан фикрмулоҳазаларини билдирди. Бугунги банк ходими қандай иш юритиши юза-

сидан ўз тажрибалари ва ривожланган банклар фаолиятдан келиб чиқиб, тавсияларини берди. Жумладан, иш самарадорлигини оширишда рағбатлантириш катта ўрин тутишини таъкидлаб, банк бошқаруви олдида фаол ходимларни қўллаб-қувватлаш ва моддий рағбатлантиришни янада ошириш вазифасини қўйди.

Банк ходимлари ҳар йили якуний йиғилишда йилнинг энг фаоллари эълон қилинишини қизиқиш билан кутадилар. Хўш, якунланган йилда бундай эътирофга кимлар муносиб топилди? Кенгаш раиси томонидан айтилганидек, натижалар салмоқли. Шунга мос равишда ғолиблар ҳам кўп бўлди.

Фаол жамоалар ва турли номинация ғолиблари ўқиб эшиттирилганда барча бирдек қувонди. Чунки энг муносиблар ана шундай эътиборга лойиқ топилди. Асосийси, сарҳисоб ходимларга янги куч, ташаббускорлик берди. Бу шубҳасиз, амалдаги йил натижаларида ўз ифодасини топади.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Иқтисодиёт
оламида

БРАЗИЛИЯ ВА АРГЕНТИНА ЯГОНА ВАЛЮТА ЯРАТМОҚЧИ

Бразилия ва Аргентина яқин орада ягона валюта яратиш бўйича тайёргарлик ишларини бошлаганини эълон қилмоқчи. Бразилия янги

"сур" (жануб) деб номлашни таклиф қилмоқда, деб ёзади *Financial Times* газетаси.

Таъкидланишича, Бразилия президенти Луис Инасио Лула да Силванинг Аргентинага ташрифи чоғида ушбу мавзу бўйича расмий изоҳлар берилиши кутилмоқда.

Аргентина иқтисодиёт вазири Серхио Массаси *Financial Times* газетасига берган интервьюсида "Ягона валюта учун зарур бўлган параметрларни, жумладан, фискал масалалардан тортиб иқтисодиёт ҳажми ва марказий банкларнинг ролигача бўлган барча параметрларни ўрганишни бошлаш тўғрисида" қарор қабул қилинади.

Бразилия ва Аргентина сиёсатчилари 2019 йилда ягона валюта яратиш ғоясини муҳокама қилишган. Аммо кейин Бразилия Марказий банки бу ташаббусни қўллаб-қувватламади.



Moody's халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистонга бағишланган навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, мамлакатнинг кредит рейтинг баҳоси "В1" (ижобий кутилма)дан бир поғона юқорига "В3" (барқарор кутилма)га оширилди.

MOODY'S ЎЗБЕКИСТОН КРЕДИТ РЕЙТИНГ БАҲОСИНИ ОШИРДИ

Агентлик буни қуйидагилар билан изоҳлаган:

— Ўзбекистон томонидан 2017-2021 йилларда муҳим ислохотларнинг амалга оширилгани, эркин бозор томон дадил қадам ташлангани, муҳим қонунлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилинаётгани, нархларни эркинлаштириш давом этаётгани;

— 2020-2022 йиллардаги ташқи шокларга қарамай, Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръатлари юқорилиги



ҳамда фискал (муътадил давлат қарзи) ва ташқи сектор (халқаро заҳиралар) кўрсаткичлари мустақкам даражада сақлангани натижасида иқтисодиётнинг барқарорлиги ва сиёсат юритиш самарадорлигининг яхшилангани;

— Марказий банкнинг инқироз даврида тезкор чоралар кўргани (асосий фоиз ставканинг 17 фоизга оширилгани), миллий валюта алмашув курсининг инқироз даврида барқарор экани, инфляциянинг пасайиш кутилмалари ва бошқалар.

Moody's ҳисоботида кўра, 2023 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши 5 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

ИТАЛИЯЛИКЛАР ҚАНЧА ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ЙЎҚОТДИ?

2022 йилда 9 фоизга юқори инфляция ва энергия нархининг ошиши Италия аҳолисининг жамғармаларидан 41,5 миллиард Евро йўқотишга олиб келди, деб ёзади "ТАСС" Италия тадбиркорлари *Confesercenti* уюшмаси манбалирига таяниб.

ни ташкил этган. Мутахассисларнинг қўшимча қилишича, вазият ўрта ва кам таъминланган оилалардан юқори даражага чиққан. Шу билан бирга, штатнинг 10 миллиондан ортиқ аҳолиси ўз даромадларининг ярмини коммунал

тўловларни тўлаш учун беради.

Ассоциация италияликлар бошқа товарлар ва хизматларни тежашларини қўшимча қилди. Мисол учун, озиқ-овқат ва ичимликка сарфланадиган харажатлар 25 фоиздан 23 фоизга камайдди.



Мутахассисларнинг фикрича, айти пайтда италияликларнинг ойлик даромадининг 45,8 фоизи коммунал тўловларга сарфланади. 2019 йилда бу кўрсаткич даромаднинг 35 фоизи-

"HAMKORBANK" АТБ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ЯКУНИ

2022 ЙИЛ 4 ЧОРАК ҒОЛИБЛАРИ



2022 ЙИЛНИНГ ЭНГ ҒАОЛ ХОДИМИ НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ

Йилнинг энг яхши корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи

Сарвар Артиқов — Хоразм минтақавий БХО корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими бошлиғи

Зафаржон Юнусходжаев — Марғилон универсал БХО чакана бизнес бўлими бошлиғи.

Йилнинг энг яхши КХБ менежери (йирик сегмент)

Равшан Раҳимбаев — Яккасарой универсал БХО корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

Йилнинг энг яхши КХБ менежери (ўрта сегмент)

Анвар Иззатов — Бухоро минтақавий БХО корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи ўринбосари.

Йилнинг энг яхши КХБ менежери (оммавий сегмент)
Фозил Жаббаров — Жиззах минтақавий БХО корпоратив хизматлар бўлими бош менежери.

Даулетбай Низанов — Нукус минтақавий БХО корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши КХБ транзакцион менежери

Аваз Аминов — Бухоро минтақавий БХО корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

Дилбар Саидханова — Марғилон универсал БХО корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши КХБ транзакцион менежери (ХБА)
Нуржан Баҳрамов — Чилонзор универсал БХО корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери (ХБА).

Йилнинг энг яхши БХО менежери (оммавий сегмент)

Жобир Сафаров — Бухоро минтақавий БХО Ғиждвон БХО етакчи менежери;

Рустам Муҳидов — Бухоро минтақавий БХО Тўқимачи БХО менежери;

Насим Ўктамов — Жиззах минтақавий БХО Қўқбозор БХО бошлиғи;

Умрбек Олимов — Ҳазорасп универсал БХО Само БХО 1-тоифали менежери (оммавий);

Йилнинг энг яхши ЧББ менежери (универсал)

Камолбек Мавланов — Ҳазорасп универсал БХО чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

Носирбек Гулмуродов — Каттақўрғон универсал БХО чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

Тўлқин Пардаев — Термиз минтақавий БХО чакана бизнес бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши ЧББ менежери (истеъмол кредит)

Ғолиб Содиқов — Навоий минтақавий БХО чакана бизнес бўлими етакчи менежери.

Акбар Хўжамуротов — Олмалик универсал БХО чакана бизнес бўлими менежери.

Элдорбек Раҳмонов — Хоразм минтақавий БХО чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

Йилнинг энг яхши БХО менежери (универсал)

Рустам Садуллаев — Урганч универсал БХО Хива БХО менежери.

Муҳриддин Нажмиддин — Амалиёт бошқармаси Пахтабод БХО менежери.

Йилнинг энг яхши БХО менежери (истеъмол кредит)

Ботир Жўраев — Навоий минтақавий БХО Тинчлик БХО менежери.

Сардоржон Бердимуродов — Жиззах минтақавий БХО Ғаллаорол БХО менежери.

Шоҳбоз Музаффаров — Бухоро минтақавий БХО Ғиждвон БХО менежери.

Йилнинг энг яхши касса мудири

Маҳбуба Куванова — Самарқанд минтақавий БХО касса мудири.

Йилнинг энг яхши кассири
Ўзал Тожибоева — Чинобод универсал БХО касса амалиётлар кассири.

Наргиза Абубакирова — Қўқон универсал БХО касса амалиётлар кассири.

Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими кассири
Зилола Барнаева — Бухоро минтақавий БХО чакана бизнес бўлими кассири.

Йилнинг энг яхши БХО кассири

Аъзамжон Алижонов — Амалиёт бошқармаси Пахтабод БХО кассири.

Йилнинг энг яхши бэк офис бошлиғи—бош бухгалтер
Музробиддинходжа Ҳасанов — Авиасозлик универсал БХО бэк офис бошлиғи—бош бухгалтери.

Йилнинг энг яхши бэк офис мутахассиси (администратор)
Илҳом Асолов — Қарши универсал БХО бэк офис етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши ундирув хизмати мутахассиси
Жасур Жуманиёзов — Урганч универсал БХО ундирув хизмати бошлиғи.

Йилнинг энг яхши ҳуқуқшуноси
Зафар Қудратов — Термиз минтақавий БХО маъмурият бўлими етакчи ҳуқуқшуноси.

Йилнинг энг яхши якуний назорат ходими
Комилжон Ҳалилов — Навоий минтақавий БХО бэк офис етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши молиявий мониторинг мутахассиси
Муниса Исмадырова — Бош банк гумонли ва шубҳали операцияларни аниқлаш сектори етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши кредитларни мониторинг қилиш ходими
Асылхан Толегенов — Бош банк кредитларни мониторинг қилиш жанубий-ғарбий бўлими етакчи мутахассиси (Нукус минтақавий БХО).

Йилнинг энг яхши IT-мутахассиси
Азизбек Парпиев — Чирчиқ универсал БХО маъмурият бўлими етакчи мутахассиси.

Йилнинг энг яхши ходимлар билан ишлаш менежери
Шаҳноза Аҳадова — Юнусобод универсал БХО маъмурият бўлими менежери.

Йилнинг энг яхши "Moodle" тизими ўрганувчиси
Шоҳнур Отахонов — Навоий минтақавий БХО чакана бизнес бўлими менежери.
Дилфуза Раҳимова — Бош банк чакана кредитлар андеррайтинг сектори 1-тоифали мутахассиси.

Йилнинг энг яхши мураббийи
Сухроб Юнусов — Бухоро минтақавий БХО чакана бизнес бўлими етакчи менежери.

Йилнинг энг яхши ташаббускор ходими (БИС)
Ферузахон Ҳайдарова — Истиқбол универсал БХО корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери (оммавий).

Корпоратив мижозлар билан ишлаш ва сотиш департаменти
Алишер Абдуллаев — қисқа муддатли кредитлаш бўлими бош мутахассиси.

Ташқи иқтисодий фаолият департаменти
Найля Раҳманова — валюта амалиётлари ва халқаро транзакциялар бўлими етакчи мутахассиси.

Хазина департаменти
Умиджон Хайруллаев — дилинг операциялари сектори бошлиғи.

Информацион технологиялар департаменти
Аббориддин Абдураимов — автоматлаштирилган банк тизимларини бошқариш бўлими муҳандиси.

Кредитлаш ва андеррайтинг департаменти
Достонбек Рустамов — андеррайтинг водий бўлими бош мутахассиси.

Шерзод Ҳамдамов — гаров экспертизаси водий сектори етакчи мутахассиси.

Муаммоли активлар билан ишлаш ва ундирув хизмати
Акмалжон Муталов — муаммоли активлар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

Рақамли офис
Фарҳоджон Умаров — продакт оунер институти компетенциялар маркази бизнес аналитиги.

Таваккалчиликларни бошқариш департаменти
Нормухаммад Йўлбарсов — корпоратив кредитларни мониторинг қилиш бўлими 2-тоифали менежери.

Шу ўринда йирик лойиҳалар ўз йўлига. Юртдошларимиз кичик бир жойда, ҳатто ўз томорқасида катта ишларни амалга ошираётгани қувонарли. Аслида томорқа – даромад манбаи. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида яшовчилар бу борада ўзига хос мактаб яратган, десак муболаға бўлмайди. Охирги икки йилда тошлоқликлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, деҳқончиликдан олаётган даромади ошиб бормоқда. Тумандаги Қанжирға



қорли кунларда улар парвариш қилаётган помидор, бодринг ҳамда қарам кўчталарини кўриб ҳавасингиз келади. Бу эртанги даромад демакдир. Ўтган йили 70 миллион сўм фойда олган миришкорлар амалдаги қилди. Даромади ҳам шунга яраша.

— Гулчилик меҳрни ва машаққатли меҳнатни талаб қилади, — дейди тадбиркор Э. Каримов. — Авваллари бу ерлар қаровсиз ётарди. Энди гулзорга айланди. Бу



ГУЛЧИЛИКДАН 350 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

маҳалласида 739 та хонадон бўлиб, оилалар томорқаларида 400 дан ортиқ иссиқхоналар ташкил этилган. Уларда асосан турли сабзавот кўчатлари ва гул етиштирилади.

Шу маҳаллада яшовчи Адҳамжон Ҳошимов 15 йилдан буён томорқасидан даромад топади. Ҳовлисидаги 15 сотихли иссиқхонадан ҳар йили уч бор ҳосил олади. Айни қиш ойларида ҳам оила аъзолари иш билан банд. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари уруғини қадаб, парвариш қиладилар. Айни

йилда янада кўпроқ даромадни кўзламоқда.

Фуқаро Элёрбек Каримов ҳам ташаббускорлардан. У яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 1 гектар майдонда иссиқхона ташкил этди. Қандай экин экмишга келганда иккиланмай гулчиликни танлади. Гўзаллик шайдоси бўлгани сабаб қийинчиликларни енгиб ўтди. Ҳозирда 9 турдаги гул навларини парвариш қилмоқда. Аввалига оила аъзолари билан бошланган иш кенгайди, 10 нафар хотин-қизни иш билан банд

жойга келсам дилим яйрайди. Гулларимизни маҳаллий бозорлардан ташқари экспортга ҳам чиқаряпмиз. Бир йилда 350 миллион сўм соф даромад қилдик. Бу айтишга осон. Унинг замирида катта меҳнат ётади.

Президентимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватланаётгани, имтиёз ва имкониятлар берилаётгани ижобий самара бермоқда. Авваллари бирор ишни бошлаш учун қанча тўсиқларни енгиб ўтиш талаб этиларди. Молиявий кўмак масаласида ҳам ишончсизлик бор эди. Бугун ҳаммаси бошқача. Кредит ёки субсидия олиш, кўчмас мулк, экспорт масалаларида муаммога ўрин йўқ. Қатор янги имконият ва шароитлар яратилди. Ҳатто нақд пул, валюта ва хомашё бўйича мавжуд чекловлар, тўсиқ ва ғовларга барҳам берилди. Бунинг натижасини томорқадан катта даромад топаётган тошлоқликлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Акбаржон НАЗАРОВ.



Муқимжон Қодиров олган суратлар.

ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

ХОТИРА ЧЕМПИОНАТИДА РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Мўғулистонлик Тэнун Тамир хотира бўйича ўтказилган онлайн жаҳон чемпионатида 400 нафар иштирокчи орасида биринчи ўринни қўлга киритди.



У "Рақамларни тезкор эслаб қолиш" номинациясида 5 дақиқада 624 та рақамни ёдда сақлаб, такрорлай олди ва Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Бундан олдинги жаҳон рекорди 616 та рақам бўлиб, хитойлик эркакка тегишли эди. Тэнун уни 3 йилдан кейин янгилади.



КАНАДА ҲИНДУЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАЙДИ

Канада ҳукумати маҳаллий аҳоли вакилларига ўтмишда зўравонлик ҳамда маданий ва тил ҳуқуқларини бузгани учун компенсация сифатида 2,8 миллиард Канада доллари (1,44 миллиард евро) тўлашга рози бўлди.

Тахминларга кўра, пул махсус жамғармага ўтказилиб, маҳаллий аҳоли ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги ривожланиш йўлидан бораётган "Рамазон ГП" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона Афғонистон, Франция ва Ўзбекистон давлатлари ҳамкорлигида 2018 йилда ташкил қилинган. Унинг асосий фаолияти ун ва макарон маҳсулотлари, омукта ем ишлаб чиқаришдан иборат.

РИЗҚ УЛАШАЁТГАНЛАР ЎЗ ИШИДАН МАМНУН

Чет эллик тадбиркорлар Рамазон Аҳмадшаҳ, Хоссаин Али Элҳам ва ўзбекистонлик тадбиркор Сайфулла Шамсиддиновлар томонидан киритилган инвестиция лойиҳани амалга ошириш имконини берди. Корхонада уч сменада юздан ортиқ ишчи-ходим ишлайди. Бу ерда ўн турдаги ун, макарон ва омукта ем ишлаб чиқарилади.

Корхонанинг маҳсулотлари сифатлилиги боис ички бозордан ташқари экспорт ҳам қилинади. Ўтган йили биргина афғон халқи учун 7 миллион 856 минг долларлик ун ва макарон маҳсулотлари етказиб берилди.

Омборхонада сақланаётган бугдойнинг сифати-га жавобгар шахс Эвадулла Исломов сидқидилдан меҳнат қилади. У Қозғиштондан келтирилган донларни вагонлардан тушириш, жойлаш ва сифати бузилмаслиги учун масъул. Йиллик захира доимий равишда мавжуд. Шунинг учун ҳам корхонада иш ҳажми ортиб бормоқда.

— Ички бозорда ўз ўрнимизга эгамиз. 2022 йилда 36,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди. Сифати юқорилиги боис, кун сайин талаб ортиб борапти, — дейди корхона раҳбари Муроджон Мадраҳимов. — Масъулият, тартиб-интизомга амал қилинган жойда самарадорлик юқори бўлади. Ҳар бир ходим ўз вазифаси ва бурчларини чин дилдан ҳис қилади. Бу борада Сайфулла Шамсиддинов дилер сифатида ўз ишининг устаси. Мижоз танлаш ва топишда унга етадигани йўқ. Лаборант Гунбаҳор Мамадалиева маҳсулотлар таркиби ва сифатини назорат қилишда жуда зийрак. Технолог Фарҳоджон Қурбонов тайёр маҳсулотларни кўздан кечиради. Ҳўжалик мудири Муртазо Фаффарининг ҳам ривожланишимизда катта ҳиссаси бор.

Замон талабларига мос ишлаб чиқариш қувватини оширадиган технологиялар асосан чет давлатлардан олиб келинган. Баҳариланадиган ишлар тўла электрон бошқарув асосида ташкил этилганки, цехлардаги ишлар компьютерларда тақсимланади, кузатилади, йўналтирилади. Бу жами қиймати 3,5 млн. долларлик 2 та инвестицион лойиҳадир. Бугдойни тозалаш жараёнидан то унга айлантиришгача бўлган жараён мураккабдек туюлсада, ишчилар учун мароқли.

Макарон ишлаб чиқариш цехида иш қизғин. 150 нафар ишчи 3 сменада фаолият олиб боради. Улар учун 3 маҳал иссиқ овқат, дам олиш хоналари ва бошқа қулайликлар мавжуд.

— Соатида 1,6 тонна 12 турдаги макарон маҳсулоти, спагетти ва 2 хил лапшалар ишлаб чиқарамиз, — дейди технолог Абдул Васир Олмас. — Нондек азиз неъмат яратамиз. Ўзбекистон халқига ризқ улашаётганимиздан хурсандмиз.

ЭНГ ТЕЗЮРАР МЕТРО

Европадаги энг тезюрар метро Истанбул шахрида ишга туширилди, Метро мегаполисининг Европа қисмини халқаро аэропорт билан туташтирди.

"Келгусида янги йўналишга бошқа станциялар ҳам уланиб, унинг умумий узунлиги 69 километрга етади", — деди Туркия транспорт вазири Одил Қораисмоил ўғли.

Шаҳар ҳокимлиги маълумотларига кўра, янги йўналишдаги метро поездлари соатида 90–120 километр тезликда ҳаракатланади, кунига 800 минг нафаргача йўловчини ташияди.

Истанбулнинг Европа қисмидаги темир йўллари жами узунлиги 380 километрга етказиш режалаштирилган.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



Бу, давлат раҳбарининг "Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланди.



МИКРО, КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЯНА БИР ИМТИЁЗ



Қарорга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар аъзо сифатида рўйхатга қўйиш учун Палатага электрон тизим орқали юборилади.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат

фонди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари ҳисобидан Палатанинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ, мос равишда Палата ва унинг ҳудудий бўлинмаларига давлат субсидиясини

ажратиш тизими жорий этилади.

Палата ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат субсидиясининг сарфлаши бўйича ҳар йили тегишинча Жамоат фонди ҳамда ҳудудий жамоат фондларига ҳисобот бериб борилади.

Палата тадбиркорлик субъектларининг манфаатларида Ўзбекистон Республикаси судларига тақдим этадиган ариза, даъволар ҳамда апелляция ва кассация шикоятлари бўйича давлат божи тўловларидан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида халқаро грант лойиҳаларини амалга оширишда Палатага миллий ҳамкор бириктириш талаби қўлланилмайди.

Давлат органлари ва идоралар томонидан тадбиркорликка оид барча ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишда Палата лойиҳа ҳамкори сифатида жалб қилинади.

EastFruit таҳлилчиларига кўра, Ўзбекистонда пиёзнинг ўртмача улгуржи нархлари яна рекордни янгилаган. 2023 йил 20 январь ҳолатига кўра, улар кичик улгуржи лотлар учун 8000 сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги пиёзнинг аввалги рекорд нархидан ропта-роса тўрт баробар қимматроқдир.

ПИЁЗ НАРХИ АВВАЛГИ РЕКОРДДАН 4 БАРОБАР ҚИММАТЛАШДИ

Бир ҳафта давомида мамлакатда пиёзнинг улгуржи нархлари учдан бирига, сўнгги икки ҳафта ичида бирданига 60 фоизга ошди.

Ўзбекистон фермерлари ва савдогарлари томонидан нотўғри шароитларда сақланаётган катта ҳажмдаги

пиёз захиралари аномал совуқ ҳавода музлаб қолганидан сўнг, мамлакат бозорида маҳсулотларнинг катта танқислиги юзага келган ва бу нархларнинг кескин ошишига олиб келган.

Юртимизда сабзавот нархининг ўсиш суръати бўйи-

БУГУННИНГ ГАПИ

ча пиёз мутлақ етакчилик қилмоқда.

Шу билан бирга, пиёз билан боғлиқ кескин вазият ҳозир нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида юз бермоқда.

Қайд этилишича, кўплаб табиий офатлар, шунингдек, Россиянинг Украинага нисбатан таъвоузкорлиги пиёз нархининг глобал ўсишига олиб келган.

EastFruit таҳлилчиларига кўра, айна пайтда Ўзбекистонда пиёзнинг улгуржи нархи Украинадагидан ҳам юқори.

ТЕХНОЛОГИЯ



ЯПОНЛАР ҚОРДАН ЭЛЕКТР ОЛИШМОҚЧИ

"Қаловини топса, қор ҳам ёнади" — японлар бу мақолни эшитишганми-йўқми — бизга қоронғу, аммо уддабурон бу халқдан ҳар нарсга қутиш мумкин. Манбаларга қараганда Япония шимоли-шарқидидаги Аомори шаҳрида қордан электр энергияси олиш бўйича синовлар бошланди.

Аоморида қишда қор қалин ёғади. Шаҳар кўчаларидан йиғиштириб кетилган қор денгизга олиб бориб ташланади. Ўтган йили қорни тозалаш учун шаҳар ҳокимлиги 5,9 млрд. иена (44,6 млн. доллар) сарфлашига тўғри келди. Айнан ўша қор олиб бориб ташланадиган денгиз қисмида оддий қорни электрга айлантириш имкониятлари ўрганилмоқда.

Лойиҳа ҳамкорликда — маҳаллий Forte Со стартапи Токио электралоқа университети билан ишланаяпти. Уларнинг олдида биргина савол кўндаланг: денгиз бўйида шаҳар кўчаларидан олиб келиб ташланган тонналаб қор уюмлари ҳаво исиши натижасида эриганида ажраладиган буғ турбинани айлантириб, энергия ажрата оладими?

Баҳор келиб, кунлар исий бошлагач, лойиҳа тўлиқ кучда иш бошлайди. Ҳозирча қор захирасини йилнинг иссиқ пайтларида узоқ вақт сақлаш имконини берувчи майдон танланмоқда.

"Серёгин ҳудудимиз учун қор ташвиш доим келтирган, энди унинг фойдасини ҳам кўрмоқчимиз", — деди маҳаллий ҳокимият вакили.

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН ШАХСЛАР

кутиб олинади. "Пул ислохотлари тўғрисида трактат" (1923 й.) ва "Пул тўғрисида трактат" (1930 й.) ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Айниқса, 1936 йилда эълон қилинган "Бандликнинг, фоизнинг ва пулнинг умумий назарияси" номли машҳур илмий иши нафақат мутахассислар, балки, жамоатчиликнинг ҳам эътиборини тортади.

Вафотидан икки йил аввал, 1944 йилда АҚШ молия вазирлиги масъули Д. Уайт билан ҳамкорликда яна бир муҳим ишга жазм этди. Халқаро конференцияда урушдан кейинги валюта тизими асосларини шакллантирди ва у тарихда анжуман ўтказилган шаҳар - Бреттон-Вуд номи билан қолди. Халқаро валюта фонди ва Бутунжаҳон банки ана шу тадбир натижасида ташкил этилди ва ҳозирда ҳам фаолият юритмоқда.

Ҳ. ТОҲИРОВ тайёрлади.



Жон Кейнс (1883-1946 й.й.) дунё молиячи-иқтисодчилари орасида ўзига хос ўрин тутати. Унга кенг қўламли ва ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида қараб келишган. Ўз даврида жамоатчилик орасида жаҳон иқтисодиёти тизими шаклланишини тубдан ўзгартириб юборганлиги билан эътибор қозонган. Капитализм табиби сифатида эътироф этилган. У иқтисодий бошқарувнинг бозор ва давлат механизмлари ўртаси-

Машҳур иборалари

*** Узоқ муддатли истиқболлар – жорий ишларда энг ёмон маслаҳатчи. Узоқ муддатли истиқболларда ҳаммамиз маҳруммиз.**

*** Агар банкдан юз фунт қарздор бўлсанг, бу сенинг муаммоинг. Бироқ, миллион қарзинг бўлса, энди бу банкнинг муаммоси саналади.**

*** Қийинчилик нафақат янги ғояларни ишлаб чиқишда, балки, эскиларидан воз кечишда ҳам билинади.**

*** Бизнинг иррационал дунёимизда оқилона инвестиция сиёсатидан бошқа зарарли нарсаяйқ.**

Жон КЕЙНС

да муваффақиятли ечим топишга эришган.

Жон Кейнс Кембрижда (АҚШ) университет профессори хонадонидида таваллуд топган бўлиб, дастлабки сабоқни Итон коллежидида олади. Ёшлигиданоқ унинг келажакда кучли иқтисодчи бўлиб етишиши хусусида гапиришарди. Кембриж университетининг қироллик коллежини тамомлагач, молия вазирлигида иш фао-

лиятини бошлайди. 1908 йилдан ўзи таҳсил олган университетда иқтисодиётдан дарс беради. Инглиз иқтисодчиларининг нуфузли журналига муҳаррирлик (1911 й.) уни илмий фаолият сари етаклайди.

1913 йилда Жон Кейнснинг "Ҳиндистоннинг пул айланмаси ва молияси" номли иқтисодий мавзудаги биринчи йирик илмий иши экспертлар томонидан яхши

Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов (1935-2009 й.й.)нинг номи, ижро этган бетакор роллари ҳали-ҳануз санъат шинавандалари ёдида. Ўтқир сатира ва кўтаринки руҳ билан суғорилган ҳажвий образлар, пластик, мимик ҳаракатлар устаси сифатида танилган. У бир спектаклда бир нечта ролларда чиқиши мумкин эди. Топқирлик, муболаға билан бўрттириб кўрсатиш, ижродаги табиийлик, ҳазил оҳангидаги соддалик Э. Каримов ижодининг асосини ташкил этарди.

Ўзбекистон теле-радиокомпаниясида ишлаган кезларида ҳам актёр, ҳам режиссёр сифатида "Истиқбол эгалари", "Ғазалхон ёшлигим" телекўрсатувларини, "Телеминиатюралар театри"ни ташкил этишда бош-қош бўлди. "Телеминиатюралар театри" халқ ўртасида жуда катта шуҳрат қозонган. Саид Аҳмад ва Алп Жамол қаламига мансуб асарларда совчи ("Олиқ-солиқ"), Ғизғизон ("Ғизғизон"), синовчи-ичувчи ("Синовчи-ичувчи"), директор ("Лампа шиша"), ишқибоз ("Пахтакор ютганда ва ютқизганда"), талаба ("Н:О"), Соттвой ("Ёзаман"), Қойилжўжаев ("Хуррак"), телемухбир ("Қизлар бригадаси") каби роллардаги саҳна чиқишлари ва бошқа кўплаб миниатюралар халқ ўртасида машҳур бўлди. Булар Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, "тўппончанинг ўқи"дек ихчам, учқур, нишонга аниқ тегадиган қувноқ интермедиялар эди.

Уни машҳур қилган фильм "Учрашув" номли телеминиатюралар тўпламидир. Бундан ташқари

Элимиз суйган актёр таниқли актриса Роза Каримова билан ҳаёт кечириб, бирга роллар ижро этишган.

— Телеминиатюралар машҳур бўлиб кетганидан кейин вилоятлардан раис ва бригадирлар келиб Эргаш акани излашарди, — дейди садоқатли



КУВНОҚ ИНТЕРМЕДИЯЛАР КИРОЛИ



актёр "Тоҳир ва Зухра", "Шум бола", "Водиллик келин" каби фильмларда суратга тушган.

Ўзбек комедиясининг кироли сифатида эътироф этилган санъаткор "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланган (1999 й.).

Эргаш Каримов биринчилардан бўлиб режиссёрлик қилган "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувининг эфирга узатилаётганига ярим асрдан ошган бўлса-да, ҳамон телеэкранларда.

турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримова. — У пайтда Ўзбекистон телевидениесида ассистент бўлиб ишлардим. Шунда Убай Бурҳон ёнимга келиб: "Эргаш акани топиб келинг", дерди. Турмуш ўртоғим шахмат ва билард ўйинларини яхши кўрарди. Ўйингоҳга келсан ютаётган бўлса, яхши кайфиятда кутиб оларди. Ютқазаётган бўлса "Нимага келдинг? Ўзи ишдан қочиш шу ерга келдим-ку", деб қойиб берар-

ди. "Пахтакор ютганда ва ютқазганда" деган миниатюралар ҳам ўша жараёнда ёзилган.



Эргаш ака билан бир ўғил ва бир қиз фарзандларни тарбияладик. Қизим шифокор, ўғлим архитектор бўлди. Дадаси фарзандларининг санъаткор бўлишини унчалик истамасди. Чунки боланинг ўзида илоҳий хоҳиш бўлиши керак дерди.

— Бахтим қулиб, Эргаш Каримовнинг эътиборига тушган эдим. Эргаш ака, янги кўрсатув тайёрлаймиз, деганлар. Мен Жўқи бўлиб чиқаман, сени Тўқи қилиб

оламан, дегандилар, — дея хотирлайди "Ўзбекистон" телерадиоканалининг "Табассум" радиожурнали муҳаррири ва бошловчиси, ўтган асрнинг 90-йилларида телеэкранларда Мўтти ва бошқа образлар билан танилган Шерали Ҳожиев. — Бир куни Эргаш ака билан Сирдарёга тўйга бордик. Ўшанда мен эндигина шоғирд бўлиб тушганман. Бир йигит келди. "Эргаш ака бизнинг уйга борсинлар. Онам касал, бир кўриб келсинлар", деди. Мен ёшлигимга бориб, "Бормайдилар", дебман. Тўйнинг охирида ўша йигит яна келди. Эргаш ака менга имлади. "Шерали, бу йигит нима деяпти?" деб сўради. Мен унинг онаси касал эканлигини, уйга таклиф қилаётганини айтдим. "Чақир бу ёққа", дедилар. Кейин у билан гаплашдилар.

Мен шундай ҳамкасбларни биламанки, санъаткор бўла туриб ҳатто саломингизга алик олмайди. Лекин Эргаш ака бошқача одам эди.

Устозим Эргаш Каримов билан ўша йигитнинг уйига бордик. Онахон инсулт бўлиб, ётиб қолган экан. Ҳеч қаери ишламайди. Ҳалиги бола югуриб келиб, устозни қучоқлаб олди. "Эргаш ака, онамнинг бир қўли ишлаб кетди", деди. Эргаш Каримов мени кўришга келади, дегани учун. Устоз ана шунақа яхши инсон эди.

Ҳ. АБДУРАШИДОВ
тайёрлади.

"Hamkorbank" АТБ Истиқбол универсал банк хизматлари офиси ходимлари ҳар ишда фаол. Жамоадаги ташкилотчилик, қувноқлик ва "бир ёқадан бош чиқариб" ишлашлариға ҳавасини келлади. Улар бир-бирларини сўзсиз тушунишади, ҳурмат қилади, қадрлайди. Шундан бўлса керак, ишларида унум бор, муваффақиятлари ҳам мақтанишга арзигulik.

ФАРҒОНАДА "КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ"

Яқинда жамоанинг тиниб тинчимас аёллари ўзларини актёрликда синаб кўрдилар. Дам олиш кунлари ва тушлик вақтинда фойдаланиб, роса репетиция қилишган кўринди - ролларини ўхшатишди. Банк тизимида ишловчи "келинлар" ҳаётини намойиш этишди. Тамошабинлар ҳам асосан ҳамкасблари. Бу бироз эриш туюлиши мумкин, бироқ, қувноқлик, бахтиёрлик ҳар бир ишда керак.



Муҳими улар жамоадошлариға мотивация берди. Доно, зийрак, етти ўлчаб



ижро учун бошқош бўлди. Ўжар қайнонанинг "ўнг қўли" бўлган Сотти образини кассир Дурдонахон Патидинова маромига етказиб ижро этдики, барча завқ олди. Бошқа келинлар тимсолида Соҳиба Жумабоева, Санобархон Мадраҳимова,


Нигорахон Айзатовна, Дилнозахон Мамадалиевалар кўринди.

Корпоратив хизматлар бўлими менежери Зумрадой Имомова худди Нигора каби бугунги ёшлар ҳаётини яратди. Келинликнинг дастлабки кунларида қайсар ва танноз кўринсада, алалоқибат оиланинг тартиб - интизомлари, меҳроқибат, каттага ҳурмат, кичикларга кўрсатиладиган иззат каби ўзбекона одатларимизни барибир тан олди...

Севган жамоанг бўлиши яхши. Айниқса, у қувноқ бўлса. Ана шу қувноқлик, жиддийлик ва самимий туйғулар "Истиқбол" жамоасида мужассам, кутганингизданда бисёр. Улар касбларини севадилар, ҳаётдан завқланиб яшайдилар. Мароқли ҳордик, кўтаринкиликнинг завқи муваффақиятларга етаклаши аниқ. Зеро, унинг замирида бахтиёрлик намоён.

НИЛУФАР.

КАТРА



Бир маромда юраётган лаҳзалар зарби.

Тинглаб туролмайсан. Эшитиб чидолмайсан. Лаҳза, сония сайин абдиёт қарғига фарқ бўлаётган бу зарбларни ушлаб ҳам қололмайсан. Қувиб етолмайсан...

Аммо баъзан вақт тўхтаб қолгандек туюлади. Ҳеч эътибор берганмисан, дўстим?! Қачон, дейсанми?

Онанг хузурга борганинда. Бемор қондошингни йўқлаганинда. Қадрдон дўстингни дийдорига қонганинда. Ва... гўдаклар билан қувнаган онларингда. Яна кимгадир самимий, бегараз кўмак қўлини чўзганинда.

Кел, вақтни тўхтаб яшайлик!

Хуршида АБДУЛЛАЕВА.

Қиз ота уйига меҳмонга келди. Қайнонаси хаста эди. Эри ўзга юртларда тирикчилик дардида. Шу боис бу гал ота-она зиёрати хиёл чўзилди.

Бир ой деганда келишга имкон тополган қизини, ота кучоқ очиб кутиб олди. Она набиралари бошида парвона бўлди. Ҳали ўтириб улгурмасларидан рўмолчанинг учига тугиб, бир четга беркитиб қўйган ширинликларини олиб, набираларининг қўлига тутишга ошиқди.

Қайнсинглиси билан салом, алик қилиб бўлгач, дастурхон ёйишга уннаётган келин, ошхона ойнасидан қизининг болаларига ширинлик улашаётган қайнонасига қараганча, кўнгилдан:

— Минг қилса ҳам қизининг боласи экан-да!



ОТА УЙИДА

Тишининг ковагида асраганларини шуларга илинади-я, — деган гапни ўтказди.

Дастурхон ёзилди. Турли нозу неъматлар билан тўлиб тошган дастурхондаги бир қанча егуликлар қолиб қиз ва келиннинг боласи битта хурмо устида талашиб кетишди. Қизнинг боласи каттароқ бўлгани боис, ота унга бироз дакки бергандек бўлди.

— Ахир, сен каттагансан, қизалоғим. Уканг ҳали анча кичкина, муро-са нималигини билмайди. Кел, сен яхшиси, мана бунисини олақол.

Қизининг қизи муро-сага унади. Аммо кўзлари жовдираганча тоғасининг ўғли еяётган хурмога хўрлиги келгандай термулиб қолди.

Қизнинг юраги алла-нечук бўлиб кетди. Кўзларига ёш олишга шай-

ланаётган қизалоғига қараб туриб, унинг ҳам йиғлагиси келди. Дадасининг соғинчида сел бўлиб, шундоқ ҳам кунда, кун ора кўз ёш қилиб юрган қизига раҳми келиб кетди. Бир юмуш билан ташқарига чиққан одам бўлди-ю, меҳмонхона ойнасидан акасининг ўғлини суяб эркалатаётган дадасига қараганча:

— Минг қилса ҳам ўғилнинг боласи экан-да. Ҳар кун ёнида бўлса ҳам эркалатиб тўймайди-я. Чиққан қиз чиғирикдан ташқари, деб шунга айтишса керак-да. Меҳр-этибор ҳам шунга яраша айри бўлаверар экан...

Қиз ва келин икки ёнда рашк оловида қоврилишаркан, буви-жон ва бобожон набираларнинг дийдорида яйраганча, шундай кунларга етказгани учун тангрига шукроналар айтишарди...

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА.

САЛОМАТЛИК



ОРГАНИЗМДА КАЛЬЦИЙ ЕТИШМАСА...

Кальций инсон организми учун муҳим элемент бўлиб, у асаб томирларида импульс ўтказувчанлигини, мушаклар қисқаришини бошқаришда иштирок этади. Унинг етишмаслиги танада бошқа метаболик жараёнларни ҳам издан чиқариши мумкин.

Организмда кальций етишмаслиги суяклар, тишлар, соч ва тирноқлар ҳолатига салбий таъсир этади. Юрак-қон томир тизими касалликлари ривожланиши, иммунитет заифлашади.

Иккиламчи таъсири:

асабийлик ва фикр тарқоқлиги;

кўп терлаш;

танада тез-тез титроқ;

тез чарчаш;

мушаклар тортишиши;

қабзият;

тирноқларда оқ доғлар пайдо бўлиши;

юрак уришининг бузилиши;

тез-тез ва кучли бош айланиши;

мушак, бўғим ва суякларда оғриқлар кузатилади.

Сут, сут маҳсулотлари, пишлоқ, ёнғоқ ва куруқ мевалар, балиқ консервалари, дук-какли маҳсулотлар таркибида кальций моддаси кўп. Овқатланишда бунга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

МЕН БИЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

НИМАНИ ИЗЛАЯПСИЗ?

Кунда-кунора бозорга тушаман. Расталарда ҳамма нарсаси бор. Сотувчилар ширинсўзлик ила ўз маҳсулотидан олишга чорлайди. Баъзан эса:

— Тоға, нима излаяпсиз? - деб сўраб қолишади.

Мен эса ўйланмай, сўзланаман:

— Ёшлигимни...

Улар аввал бир зум жим қолишади. Негаки, бунақа жавобни кутишмаган-да. Гап нима ҳақда кетаётганини сезишгач эса:

— Йўқ, бизда йўқ, - дейишади нашъа қилганча кулиб.

Мен эса йўлда давом этаман. Чунки, ёшлигимни қаерда йўқотганимни эслолмайман-да. Эслолмасам ҳам йигитликда юрган йўлларимга бир-бир қараб ўтавераман... Қайта уни тополмасам ҳам...

ТЎЙДИМ, ДЕГАН БОРМИ?..

Нонга, ош-оби овқатга тўйиш мумкин. Ҳатто, бойлик, мол-давлатга ҳам...

Аммо, дунёда бир туйғу борки, шу пайтгача унга тўйган одамни кўрмадим. Бундан кейин ҳам шундай давом этса керак...

Бу, МЕҲРДИР!

Ё, унга тўйганлар борми?

ЭРАМИЗДАН АВВАЛ ҲАМ...

Фиръавннинг вазири Пта-Готеп ўзи ёзган китобда ёшларнинг тарбиясизлиги, дангаси ва ахлоқсизлигидан нолиган экан. Бу каби фикрларни ҳатто кейинги асрларда яшаб ўтган энг буюк донишмандлар асарларида ҳам учратамиз.

Наҳотки, ёшлар қарийб 5 ярим минг йил мобайнида ҳам ўзгармаган бўлсалар?..

Қайдан билдингиз, дейсизми? Чунки ҳозир шу ҳақда кўп фикрлар билдирил-япти-да...

СЕН ШОШИЛМА...

Ҳеч нарсаси шошилмаган одам ҳамма нарсасида улгуради. Чунки, у ақл билан иш тутайди.

Аксинча, шошилганлар ҳеч нарсаси эришолмаганлари етмагандек, ақллари нишга солишга ҳам уринмайдилар...

Шунинг учун ҳеч қачон шошилма, болам ва ақл билан иш тут. Ахир, "Ёти ўлчаб, бир кес", деб халқимиз бежиз айтмаган.

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

Аслида банан дарахт эмас. Унинг ердан ўсиб чиқадиган поясида ёғоч бўлмайди. Поя бир-бирига яқин ва бирининг ичидан иккинчиси ўсиб чиқадиган япроқлардан иборат. Дарахтнинг тепасида жойлашган япроқларнинг ёйилиб кетиши оқибатида банан пальма дарахтига ўхшаб қолади.

Бананнинг пўстлоғи (пўстлоқ ўсимлигининг тагидан юлиб олинади) 30 сантиметрлик чуқурчага кўчат сифатида ўтказилади. Чуқурчалар бир-биридан 3,3 — 5,5 метр узоқликда жойлашган бўлади. Ҳар бир пўстлоқ битта ёки бир нечта куртак ёки картошка-нигики ўхшаш "кўзчалар"га

эга бўлиши лозим. Орадан 3 — 4 ҳафта ўтгач, улардан янги ниҳол униб чиқади. Фақат энг бақувват ниҳол дарахтга айланади. Ҳар бир ниҳолнинг ўз томир тизими ҳосил бўлади ва ундан янги ўсимлик-

лар ўсиб чиқади.

Банан дарахти ниҳоятда парваришталабдир. Агар ёмғир кам бўлса, унга тез-тез сув қуйиб туриш керак. Унинг атрофидаги tupроқ яхшилаб юмшатилиши

Банан



ҚИЗИҚАРЛИ БИОЛОГИЯ

лозим. Кўчат ўтқазилгандан сўнг 9 — 10 ой ўтиб, гулга киради. Гул узун пояда ўсади, агар у тананинг қуйи қисмидан униб чиққан бўлса, тепага ўрлайди, мободо, тепада гуллаган бўлса, пастга эгила бошлайди. Гул пастга қараб ўсса, банан чалар унинг пояси-

да тугилади. Эндигина гул поясида тугилган банан-чалар пастга қараган бўлади, бироқ, катталашган сари тепага бурилла бошлайди.

Бананларни пишмай туриб, яшил ҳолида териб олиш керак. Уларни узиб олган заҳотиёқ ейиш ҳам мумкин, аммо дарахтда пишишига йўл қўйиб бўлмайди. Дарахтда сарғайиб пишган банан ўз мазасини йўқотади.

"Hamkor press" gazetasi muhtariylari uchun ortda qolgan mavsumda Uzbekistonning "Yilning eng yaxshi futbolchisi" deya etirof etilgan Namanganning "Navbahor" klubi yrim himoyachisi Jamshid Iskandеров bilan suxbat.



— Jamshid. Taklifimizga yuq demaganningiz uchun minnatdormiz.

— Ehtirol uchun rahmat.

— Utgan yili Uzbekistonda "Yilning eng yaxshi futbolchisi" deya etirof etiladigiz. Ammo terma jamoadan xali-xamon chakiruv olganningiz yuq. Terma jamoasi bosh murabbiy Srechko Katanec sizni jismoniy tayiargarligingiz talabga javob berganini uchun chakirmaganini aytadi. Bunga munosabatningiz qanday?

— Tugrisi, mana shunday suzlaridan juda charchadim. Terma jamoa bosh murabbiyidan bunday suzlarini eshiti shaxsan men ga ekimiz. Bilmadim, Katanecning uz qarashlari bor. U uziga mos keladigan futbolchini tarkibga chorlamokda. Biz esa, mehnat qilishda davom etamiz.

— Xozirgi Jamshid Iskandеров uzining eшлиги bilan utmishda uchirashini uddalaganida, unga nima maslahat bergan bular ezi?

— Birinchi navbatda, hech kimga ishonmaslik kerakligini uktirgan bular edim. Ota-onalarimiz buni kup bor aytishgan, ammo menda ishonuvchanlik bor. Shu sababli, kup bor hatolarga yul kuydim. Xozir, deyarli hech kimga sirimni aytmayman. Eng yaqinlarim bilan doim aloqadaman. Futbolchilik faoliyatim davomida kup bor pand edim, biroq xozir hammasini unuttanman. Endi meni, nima gadir ishonitirish mushkul.

— Avvaliga usmir-lar, keyin eshar terma jamoalarida sardor sifatida tup surdingiz. Afuski, professional futbolga utadigan paytda, ishki bозлар "radarlari" da kurinmay qoldingiz. Bu nima bilan bogliq?

— Tugrisi aytidingiz. Birinchi navbatda jarohtat, ammo uni ayblab bulmaydi. Uz vaqtida Uzbekistondan keta olmadim. Hori-jandan kelgan takliflarni qabul qilishim, Europa-

tuxtab qolganingiz yuq.

Ogir kunlar sizni nimalar ga utratadi?

— Kuchli, iroda-li bulishga! Oldingizga qandaydir maqtad kuydingizmi, demak, faqat olga qadam tashlashingiz shart. Xaet shavqatsiz. Biroz ikkilan-dingizmi, tamom — cet-

oila aazolirim oldimda buldi. Shunga qaramay, buni xazm qilish juda ogir. Doim omma etibori markazida tursangizda, bir zumda hech kim sizni kildirmay kuyisa, alam qilar ekan. Ayrim insonlar enimda men ga suyanchi bulgan bulsa, kup-chilik ketib qoldi. Shu bois, xozir juda kam odamlar ga-

oila aazolirim oldimda buldi. Shunga qaramay, buni xazm qilish juda ogir. Doim omma etibori markazida tursangizda, bir zumda hech kim sizni kildirmay kuyisa, alam qilar ekan. Ayrim insonlar enimda men ga suyanchi bulgan bulsa, kup-chilik ketib qoldi. Shu bois, xozir juda kam odamlar ga-

— Siz juda iktidorli futbolchi sifatida etiborga tu shan ezingiz. Aytinchi, iktidorligingizni necha foizdan foydalan-dim, deb yulaysiz?

— 100 foiz deya olmay-

ЖАМШИД ИСКАНДЕРОВ:

"БУ ГАПЛАРДАН ТҮЙИБ КЕТДИМ!"

да tup surishim kerak edi. Bundan afuslanaman. Men ga bu laetgan takliflarni eshiti tubi ham horij ga yul olishni uddalay olmadim. Terma jamoada muntadim. Yina, klubimda asosiy ijruchi bulgan davrimda legioner bulish vazifasini uddalay olmadim. Shunga qaramay, bunda hech kimni ayblamoqchi emasman. Balki, uz ustimda bundan ham kuprok ishlaganimda, vaziyat bosqacha bularmidi...

— Futbolda kuplab noxaqliklarga uchragan bulsangizda, harakatdan

ga surib tashlaydi. Zamon-dan ortda qolib ketasiz. Futbolchilik faoliyatimda-gi ayrim voqealardan sun, men harakatdan tuxtab qoldim. Kuchlirok bulishim, yana oldinga qadam tash-lashim shart edi.

— Jarohtat olgach, uzoq mudat futbol yunay olmadingiz. Ishki bозлар ham biron unuttandek bul-di. Usha kunlarda nima-larni xis qiladingiz?

— Jarohtat sababli ancha payt yashil maydonga chika olmadim. Ogir kunlarimda

gina sirimni ishonib aytishim mumkin. Xaet bizni yildan-yilga tajribalirok qilib boryadi.

— Bugun "Navbahor" jamoasida etakchisiz. 10 yil ortga qaytsak, sizda qanday orzu-lar bor ezi?

— Birinchi navbat-da Olimpiada yuinlari-da ishtirok etish ezi. Keyin terma jamoamiz bilan bir-galigda Jaxon chempionati-da ishtirok etish va Europa-ning kuchli klublarida tup surish. Tugrisi, yillar utib

man. Unday bulganida, xozir Europa klublaridan biri-da tup surgan bular edim. Qarlarladir uzimga bogliq bulgan, ayrim joylarda uzimga umuman bogliq bul-magan sabablarga kura bor imkoniyatimni namoyish eta olmadim. Faoliyatim davomida men ga yaxshi dal-da berib, tugrisi qaror qabul qilishimga kumak bera-digan insonlar atrofiga bulma-di. Shunga qaramay, xozirgi xolatim uchun ham yarat-gan rozim.

— Toshkentning "Pax-takor" jamoasi bilan uy masalasida sudlashdingiz. Uning yakuni qanday bul-di?

— 2017 yilda "Paxtakor" bilan shartnomam tuga-di. Menda bosqa klublar-dan takliflar bor ezi. Jamoa rahbarlari bilan uchra-shim va ketmoqchiligimni ayt-dim. Ular meni olib qolmoqchi ekanligini ayt-di. Yangi shartnoma-ga kura, men ga Toshkent-dan uy berilishi kursoril-gan ezi. Bu ozaqi kelishuv bulganiga qaramay, men ga keyinchalik uyni uz nomim-ga utkazib berishlari ezi-lan xujjatni takdim etish-di. Aynan shu qozda ezi-lan gaplar asosida usha uida istiqomat qil-dim. "Paxtakor" dan ket-dim. Bir yil "Lokomotiv" safi-da tup sur-dim. Keyin Janu-biy Koreya-da 2 yil futbol yunadim. Keyin "Navbahor" bilan shartnoma imzola-dim. Yurtimizga qayt-gan, men ga kunigrok qilish-di. 15 kun ichida Toshkentda uyni bu-shati-b kuyishim kerak-ligini aytish-di. Tugrisi, bu uy men uchun xalol ezi. Shunga qaramay, indamay uyni topshirib, chiki-b ket-dim. Juda ham alam qil-di. Ayniqsa, ota-onamni dal-da uzimni emon xis qil-dim.

Яхёҳўжа УЛУҒЎЎЖАЕВ
субатлашди.

ҚИСҚА САВОЛЛАРГА ҚИСҚА ЖАВОБЛАР

— Айни дамдаги, Суперлигамизнинг учта энг зур футболчи-сини санаб беринг.

— Рустамжон Ашурматов, Хусниддин Алиқулов ва Фаррух Икромов.

— Сиз билан бирга tup surgan энг kuchli 3 футболчи...

— Анвар Солиев, Одил Аҳмедов ва Жалолiddин Машарипов.

— Xozirgi dаражага etishishingizga sababchi bulgan uch inson...

— Birinchi navbatda Xorazmdagi birinchi ustozim Olimboy Davletov, keyin "Paxtakor" da ustozlik qilgan Kim Dimitriy. Uchinchi professional futbol-dagi ilk ustozim Viktor Jaliylov.

— Jaxon chempionatiga yul-lanma eki uz-bek fut-bolida qalollik?

— Uzbekiston futbolidi qalollikni yulga kuy-sak, jaxon chempionati yul-lanmasi uzi keladi.

— Futbolimiz rivojlan-yapti, deb xisoblay-sizmi?

— Menimcha, futbolimiz rahbarlari bunga harakat qilmoqda.

— Sevgi eki dустlik?

— Sevgini tanlayman.

— "Real" eki "Barsa"?

— "Barselona".

— Messi eki Ronaldu?

— Ronaldu.

— Jarimadan urilgan gol eki 3 ta assist?

— 3 ta assist!

— Jaloлиddин Машарипов eki Eldor Shomurodov?

— Jaloлиddин Машарипов.

— "Navbahor" eki "Paxtakor"?

— "Paxtakor" da katta bul-dim. U erda-gi yilla-rim uchun minnatdorman. Ammo u utmishda qoldi. "Navbahor" mening kelajagim. Namangan klubi bilan yangi tarix ezmochiman.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Узбекистон Республикаси Президенти администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Навр учун масул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобуршоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ bosma-xonasida chop etiladi. Bosmaxona manzili: Kосонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Адади: 7530

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.



Сотувда
келишилган
нархда.